“БОБУРНОМА”НИНГ ТУРК ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ

Ш.М.ҲАЙИТОВ

В статье освещаются исследования произведений великого поэта Захириддина Мухаммада Бабура в Турции. Систематизированы периодические показатели переводов «Бабур-наме» на турецкий язык.

The article describes the peculiarities of the investigations made on the translations of the “Baburnama” in Turkey. Different versions of translations of this book have been systematized in the article.

Ўзбек мумтоз адабиётида назм ва насрнинг гўзал намуналарини яратишга муваффақ бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганиш юзасидан дунё олимлари томонидан қатор илмий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Турк олимлари тадқиқотлари ҳам бобуршунослик илмида ўзига хос аҳамиятга эга.

Туркияда Бобур асарлари ичида энг кўп тадқиқ этилгани, шубҳасиз, «Бобурнома» ҳисобланади. Асарни турк тилига профессор Рашит Раҳмати Арат «Vekayi» (Бобур хотироти) деган ном билан 1943-46-йилларда 2 жилд ҳолида нашр эттирган [1].

Таржимон асарнинг туркча нашрини яратишда 1857 йилда Н.Ильминский томонидан эълон қилинган Қозон босмаси (Кир қўлёзмаси) ҳамда 1905 йилда А.Бевериж томонидан эълон қилинган Лондон нашри (Ҳайдаробод қўлёзмаси) дан фойдаланган [2].

Диққатга сазовор бўлган жиҳатлардан бири асарнинг турк тилидаги нашрида киши исмлари, жўғрофий номлар кўрсаткичи А.С.Бевериж нашрига кўра [3] яхшиланган. Турк олимининг таржимада матн кўрсаткичларини тузиш маҳорати кейинчалик матншунос олимларимизнинг бир қанча ишларида муҳим ўрин тутди. Хусусан, асарнинг тўла ўзбекча нашрлари (1948-49, 1960, 2002) вужудга келишида ушбу тажрибадан фойдаланилди [2.181.].

Таржимада мукаммал луғат, қисқа изоҳ ҳамда Бобур шажараси схемаси ўзига хос тарзда акс эттирилди. Ўрин олган сўзлик, изоҳ ва кўрсаткичлар кейинроқ ўзбек тилида «Бобур асарлари луғати»-

нинг (тузувчи Ҳ.Назарова) вужудга келишида муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Бироқ олиб борган матний-қиёсий таҳлилимизга кўра асарнинг туркча матнида қатор камчиликлар борлигини ҳам маълум бўлди. Профессор Ҳ.Болтабоев таржиманинг баъзи камчиликлари ҳақида шундай ёзади: «...асарнинг Ҳайдаробод нусхасида 936 (1529) йил воқеалари тўла эмас, таржимон бу ўринда китобнинг Қозон нусхасидаги воқеалар тасвири билан тўлдирган, аммо, бобнинг матни тўла эмас» [2.181.].

Р.Р.Арат ўз камчилиги ҳақида ёзади: «Ҳикмат Бойир турк тарихи жамияти номидан менга бу муҳим асарни туркчага таржима қилишни таклиф этганда мен бу таржиманинг бу шаклда босилишини ўйламаган ва фақат бир-биридан фарқли бўлган таржималардан фойдаланишни қулайлаштириш учун туркча матн асосида шунчаки бир қоралама ҳозирлашни ўйлаган эдим, холос. Илк саҳифаларини таржима қилишни бошлаганимдаёқ, хавотирим қанчалик тўғри эканлигини ҳис қилдим. Қўлимда мавжуд бўлган нусхаларнинг бир-биридан фарқли эканлигини ва улардаги бир қанча сўзлар имлосида муштараклик йўқлиги матнни тўғри тушунишни янада қийинлаштирди. Шунинг учун таржимага киришишдан олдин барча нусхаларини қиёслаб тўғри бир нусха тайёрлаб, кейин таржима қилиш ўринли бўлар эди. Лекин ўша пайтдаги вазият бунга имкон бермади. Мавжуд нусхаларни кўздан кечириб тайёрламоқчи бўлган нусхамизни улардаги камчиликлардан холи қилишга бизда вақт йўқ эди. …Олдинги таржималарда кўзга ташланган нуқсон, афсуски, бу таржимада ҳам такрорланди»[1.0142.].

Дарҳақиқат, таржимон таъкидлаганидек, туркча нашрда кўплаб хатолар мавжуд. Масалан, киши исмлари, жўғрофий номлар кўрсаткичи, айниқса, Бобур Мирзонинг фармонлари тўлалигича келтирилмаган. 914 (1509) йил воқеалари ҳам тамомланмай қолган. Шундан кейинги 10-11 йиллик воқеалар ҳам йўқ.

«Бобурнома»нинг туркчадаги матнини С.Ҳасанов (2002) тайёрлаган илмий-танқидий матн билан солиштирамиз. Асар бошланиши:

«Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим! Тенгри Таолонинг иноят билан ва ҳазрати он(1б) Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри бософаларнинг ҳиммати билан сешанба куни, рамазон ойининг бешида, тарих секкиз юз тўқсон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшта подшоҳ бўлдум.»[4].

«Salı günü, beş ramazan 899 (10 haziran 1494)'da Fergana vilayetında, on iki yaşında padişah oldum» [1].

Кўринадики, таржимада асарнинг бошланғич *(1б*) саҳифасидаги *«Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим! Тенгри Таолонинг иноят билан ва ҳазрати он(1б)Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳорёри бософаларнинг ҳиммати билан»* матни йўқ.

Ёки, *«Сайхун суйининг шимоли тарафдаги қасабалар: бири Ахсидур. Китобларда Ахсикат битурлар. Нечунким, Асириддин шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар. Фарғонада, Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўқтир»*[4.32-33.].

Туркча матнда *«Нечунким, Асириддин шоирни Асириддин Ахсикатий дерлар»*[1.4.] деган жумла тушириб қолдирилган.

«Бобурнома»даги 925 йил воқеалари (С.Ҳасанов нашрида 915 йил воқеалари деб кўрсатилади). Асарнинг *220а* саҳифасини ўқиймиз: *«...Одина куни, ойнинг йигирма олтисида ушбу юртта эканда Ҳиндолни Моҳимға бериб, хатлар битиб, Юсуф Али рикоббдорни Қобулға йиборилди. Ушбу юртта эканда Мондиш вилоятида дараның ўртасида бир баланди устида улуғ суфа тош билан ясалдиким, оқ уй пешхонаси била сиғди. Бу суфаның тошларини томом ичкилар ва сипоҳийлар ташидилар. Бу сўзнинг тафсили будирким, чун анинг туққонлардин ул замонғача...»* [4.167.].

Туркча матнда «*Ушбу юртта эканда Мондиш вилоятида дараның ўртасида бир баланди устида улуғ суфа тош билан ясалдиким, оқ уй пешхонаси била сиғди. Бу суфаның тошларини томом ичкилар ва сипоҳийлар ташидилар»* жумлалари мавжуд эмас [1.2/247].

Шунингдек, асарнинг *231б* саҳифасида *«Тушга ёвуқ келиб»* ҳамда *232а* саҳифасидаги *«Нилобдин кечгондин сўнг Ҳаатийнинг Парбат отлуқ уруғиниким»* [4.170-171] жумлалари таржимада тушириб қолдирилган.

Таржимада яна *233а* саҳифадаги *«Ушбу кун менинг яхши шаҳбозим йўқолди»* жумласи ўрин олмаган. Р.Арат томонидан тайёрланган матнда *«Шаҳбозим турна ва какликни яхши тутарди»* тарзида берилса [1.261.], «Бобурнома»нинг С.Ҳасанов тайёрлаган матнида *«Шаҳбозим турнани ва лаклакни яхши тутар эди»* дейилади [4.32.].

Асарнинг туркча матнида келтирилмаган юқоридаги жумлалар япониялик олим Э.Мано илмий-танқидий матнидан ҳам ўрин олмаган [4.33].

Япон нашрида, шунингдек, *276а* саҳифасидаги «*Яна Ҳиндустонда Сарру дарёсининг ёқасида қалин бўлур»*деган матн ҳам тушириб қолдирилган. Кузатишларимиз Э.Мано нашрида тушиб қолган айрим жумлалар туркча нашрда бор эканлигини кўрсатади. Бу эса туркча матннинг диққатга сазовор жиҳатини белгилайди.

С.Ҳасанов тайёрлаган матндан «Бобурнома»нинг 935 йил воқеаларини ўқиймиз: *«Тонгласа одина куни Муҳаммад бахши ва баъзилар келиб, мулозамат қилдилар. Номози пешинга ёвуқ Жунундин ўтиб, Хожа Абдулҳаққа мулозамат қилиб, қалъа бориб, амма бегимларни кўрдим»* [4.261.].

Асарнинг туркча матнида *«Номози пешинга ёвуқ»* сўзлари учрамайди. Қолаверса, матнда «*Хожа Абдулҳаққа мулозамат қилиб, қалъа бориб, амма бегимларни кўрдим»* тарзида эмас, *«холаларимни кўрдим»* [1.2/249.].

Таржимада, шунингдек, 936 йил воқеалари деярли келтирилмаган: *«Сешанба куни, муҳаррам ойининг ўн ичида Гвалийардин Шиҳобуддин Хисрав била Шайх Муҳаммад Ғавс Раҳимдоднинг шафоати учун келди. Чун дарвеш ва азиз киши эди. Раҳимдоднинг гуноҳини аларга бағишлаб, Шайх Гуран била Нурбекни Гвалийарға йиборилдиким, Гвалийарни буланға тобшуруб...»* Таржимада 936 йил воқеаларига фақат ушбу матн битилган, холос, шу билан асар таржимаси тамомланган.

Япониялик олим Э.Мано ёзади: «Дунё олимлари «Бобурнома»нинг фақатгина икки эътиборли манба – 1857 йилда Н.И.Ильминскийнинг Қозонда ва 1905 йилда А.Бевериж хонимнинг Лондонда амалга оширган нашрларини тиклашга интилганлар. Уларнинг камчилиги аслиятни араб алифбосида кўрмаганликларидандир» [5]. Бу ўринда япониялик олим фикрларига қўшиламиз, ҳақиқатдан ҳам «Бобурнома»нинг деярли барча илмий нашрлари асосида Қозон ва Лондон нашрлари туради. Р.Р.Арат томонидан қилинган таржима ҳам айнан шулар асосида яратилган. Ҳар иккала асос нашрнинг араб алифбосида ёзилмагани бу каби нуқсонларни келтириб чиқарган дейиш мумкин.

Р.Арат «Бобурнома»ни таржима қилар экан, уни аввал чуқур идрок этиш долзарб аҳамият касб этишини таъкидлайди. Ўзи ҳам аввал асарни ўқиб тушуниб, сўнгра таржимага киришганини ёзади. Р.Арат фикрига кўра, «Бобурнома» таржимасида энг муҳим жиҳат асар қўлёзмасини имкон қадар чуқур ўрганиш, шулар асосида аввал унинг қоралама илмий-матнини тайёрлаш, матн ҳар жиҳатдан тўғри эканлигига амин бўлгандан сўнггина нашрдан чиқариш керак. Бироқ, вақт тиғизлиги боис, тўғрироғи, турк тарихи жамиятининг таржимани тезроқ нашр эттиришга бўлган талаби эвазига «Бобурнома» таржимасида ушбу муҳим жиҳатларга кам эътибор қаратилган.

«Бобурнома» таржимаси сўзбоши муаллифи турк олими Ҳ.Бойир ёзади: «Илк бора форс тилига ва бир қанча Европа тилларига таржима қилинган бу асарнинг турк тилига ўгирилмаганлиги катта камчилик эди. Тарих жамиятининг ташаббуси билан Р.Арат бу камчиликни бартараф этди. Р.Арат асарда таржиманинг қийинчиликларини айтар экан, таржимада йўл қўйилган камчиликларини ўзи асослаб кўрсатади. Лекин ишончимиз комилки, ғарб тилларига таржима қилинган бу асар бизнинг тилимизга энг мукаммал шаклда ўгирилмаган бўлса-да, шунга жуда яқиндир ва бундан ортиғи бўлмайди ҳам. Бизнингча, Р.Арат томонидан амалга оширилган ушбу таржима мен кўрган французча ва инглизча таржималардан анча устундир» [1.06.].

«Бобурнома»нинг туркча таржимаси ҳақида илк маълумотлар айтган адабиётшунос олим Ҳ.Болтабоев таржиманинг зарурлиги хусусида шундай ёзади: «Таржима Туркия жумҳуриятида нашр қилингунга қадар ҳеч қайси туркий халқларнинг қўлида «Бобурнома»нинг тўла матни оммавий нашрда йўқ эди. Қўлёзма, тошбосма ва литография усулида тарқалган нусхаларда хато ва нуқсонлар сероб бўлиб, улар асар ҳақида янглиш тасаввур бериши мумкин эди. Бобурнинг ўз тилидаги нашри ҳам унинг ватанида қарийб бу таржимадан саккиз йил кейин амалга оширилди. «Бобурнома»нинг ўзбекча нашрида кўплаб форсий ва арабий ифодалар, эскирган сўзлар мавжуд бўлиб, буни барча туркий халқларнинг шу кунги ўқувчиларининг тушуниши қийин эди, шунинг учун ҳам бу нашр турк дунёси учун катта ёрдам бўлди»[2.179-182.].

Дарҳақиқат, таржима туркий халқлар, шу жумладан, ўзбеклар учун ҳам ўз даврида асар тушунилишини енгиллаштирди. Туркий халқлар ихтиёрида тили содда, усули тўкис ва равон асар пайдо бўлди. Масалан: «Жанубий тарафидағи қасабалардан бири Андижондурким, васатта воқеъ бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур» [4.34.]. Турк тилида «Андижон, жануб тарафиндаки қасабаларидан бири ўлур, ўртададир ва Фарғона вилайатинин пойтахтидир».

«Бобурнома»нинг профессор Р.Р.Арат томонидан 1943-1946 йилларда амалга оширилган ушбу таржимаси 1970, 1985, 1986, 1987, 1989, 2000 йилларда қайтадан нашр этилди.

«Бобурнома»нинг туркчада таржима этилиши Туркияда асарни ҳар бир соҳа кесимида илмий ўрганишга асос бўлди. Бу борада қатор номзодлик ва докторлик диссертацияларининг ёзилишига туртки бўлди. Масалан, Масъуд Шеннинг «Бобурнома»нинг Қобул ва Ҳиндистон бўлимлари» мавзусида ёзган диссертацияси (1993) [6], Меҳмет Тургутнинг «Бобурнома»да ҳайвонлар ва овчилик» номли монографияси (2008) [7], Мурод Юрдакўкнинг «Бобурнома»да тиббий билимлар» ҳақидаги тадқиқоти (2008) [8], Неъмат Жейланнинг «Бобур асарларида қўшма сўзлар» номли монографияси (2009) [9], Ҳусайн Байдемирнинг «Бобурнома»да фольклоризм ва этнография унсурлари» мавзуидаги тадқиқотлари (2010) [10] шулар жумласидандир.

Турк олими М.Шен томонидан 1993 йилда ёзилган 318 бетлик докторлик диссертацияга асосий манба этиб «Бобурнома»нинг Қобул ҳамда Ҳиндистон бўлим-лари олинган. Тадқиқотнинг кириш қисмида асарнинг ўзига хос хусусияти ва тузилиши ҳақида сўз юритил-ган. Асарнинг номланиши ҳақида турли манбалардан

маълумотлар келтириб, улар таҳлилга тортилган. Кириш қисмидан сўнг Қобул ва Ҳиндистон бўлимларининг транскрипцияли матни берилган.Тадқиқотнинг охирги бўлимида изоҳлар қисми ўрин олган. Булардан ташқари асар таржималари ва асар билан боғлиқ библиография ҳам тақдим этилади.

Турк адабиётида «Бобурнома»ни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш борасида амалга оширилган яна бир илмий иш М.Тургутнинг «Бобурнома»да ҳайвонлар ва овчилик» деб номланган монографиясидир (2008). Унда «Бобурнома»да келтирилган ҳайвонот олами ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига кенг изоҳ берилади. Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон ўлкасига оид Бобур тилга олган жонзодлар таснифи келтирилади. Монографияда «Бобурнома»да жами 147 та ҳайвон номи борлиги айтилади.

Ҳужаттепа университети тиббиёт факультети педиатри, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мурад Юрдакўкнинг «Бобурнома»нинг илмий тадқиқ этилишига қўшган ҳиссаси «Бобуршоҳнинг (1483-1530) буюк асари «Бобурнома»да тиббий билимлар» номли (2010) тадқиқоти билан ўлчанади. У ёзади: «Бобурнинг энг таниқли асари «Вақое» номи билан машҳур бўлган «Бобурнома» асаридир. Чиғатой туркчаси ила ёзилган ушбу асарда Бобур ўз ҳаётини, тушунчаларини, можароларини самимий ва очиқ бир тилда ифода этган»[8].

Профессор М.Юрдакўк ушбу тадқиқотини «Бобурнома»нинг 2000 йилда нашр этилган туркча нашри асосида амалга оширади. Асарда тиббиётга оид қарашларнинг бир жойда жамланганини кўриш мумкин.

Ҳ.Байдемир ўзининг кўп йиллик илмий фаолиятини ўзбек адабиётини ўрганишга бахшида этган олим. У ўзбек халқ оғзаки ижодини чуқур тушуна олган етук фольклоршунос. Унинг ўзбек адабиётига доир элликга яқин яратган асарлари бунга гувоҳлик беради. «Бобурнома»да фольклоризм ва этнография унсурлари» мавзуидаги илмий тадқиқоти (2010) унинг бобуршунослик соҳасида амалга оширган иши саналади. Бу тадқиқотда ўзбек, афғон ва ҳинд халқлари маданиятига хос, турли хил урф-одатлар, анъана ва қадриятлар ҳақида чуқур мулоҳаза юритилиб, уларнинг ҳар бири тавсиф ва таҳлил этилади. Шунингдек, «Бобурнома»да халқ эътиқоди тушунчаси, маҳалла-кўй, қасаба – жой номларининг изоҳланиши, байрам, тўй, аза маросимлари ва халқ спорти ўйинлари ифода этилиши ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлар илмий тадқиқ қилинади.

Туркияда Бобур Мирзо асарларининг ўрганилиши йўлидаги яна бир тадқиқот Чукурова университети Сиёсий билимлар факультети Турк тили ва адабиёти бўлими олими Неъмат Жейланга тегишлидир. Унинг Бобур асарлари тилига доир 418 саҳифадан иборат, жами ўнта бўлимни ўз ичига олган илмий асари «Бобур асарларида қўшма сўзлар» деб ном-ланган.

Н.Жейлан тадқиқотининг асосий манбалари «Бобурнома»(2000), «Мубаййин»(2004), «Бобур девони»(1995) ва «Рисолайи волидия»(2001) таржима-нашрлари ҳисобланади. Тадқиқотда ҳар бир қўшма сўзнинг асардаги саҳифалари аниқ кўрсатилади.

Буюк асар – «Бобурнома» борасида турк олимлари томонидан амалга оширилган бу каби ишлар шоир ижодининг турк адабиётида нечоғлик қизиқиш билан ўрганиб келинаётганини кўрсатади. Асар ҳақидаги бундай изланишларнинг аксарияти эса бобуршунослик соҳасида янгилик ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Arat R.R Vekayi (Babur'un Hatıratı) 2 жилд. Ankara, 1943- 194 б.
2. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри.- Т., 2004.- Б.179-182
3. Beverige Annette Susannah, The Babur-nama. London-1922.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, «Бобурнома» (П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Э.Мано нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов).- Т., 2002.
5. А.Абдуғофуров, А.Ўринбоев. Япон олимининг илмий жасорати / ЎзАС.- 1996.- 15 март
6. Mesut ŞEN, *Gazi Zahirüddin Muhammed Babur - Baburname, Giriş-Metin (Kabil ve Hindistan bölümleri)-Açıklamalı Dizin*, İstanbul 1993. (Marmara Üniversitesi Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü, basılmamış doktora tezi).- 318 s.
7. Mehmet Turgut Berbercan, *Babur'un Hatıratında Geçen Hayvan Adları ve bunların Türk Dili Açısından Değerlendirilmesi*, İÜ Sosyal Bil. Enst. Türk Dili ve Edebiyatı Anabilim Dalı,Yüksek Lisans tezi, İstanbul 2008.
8. Мурат Юрдакўк «Бабуршаҳ асарида тиббиётга оид билгилар» Чужук сағлиғи ва ҳасталиклари Дергиси С 50, 73-77.
9. Nimet Ceylan. Gāzi Zahirüddin Muhammed Bābur Mirza eserinde ikilemeler Adana, 2009.
10. Ҳусайин Байдемир «Бобурнома»да фольклоризм ва этнографик унсурлар».- Ататурк университети, Адабиёт факультети, 2010.

Ўзбекистон миллий университети,
2012 йил 5 январда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. Ҳ.Болтабоев)